

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 17 ноябр жума
Сотувда эркин нархда
№ 231 (2528)


ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI

Улуғ бобомизнинг муборак таваллуд тўйи шарофати билан қадимий ва бетакрор Марғилон шаҳри ўзгача чирой ва тароват касб этгани, қўли гул қурувчиларимиз, моҳир усталаримиз, меъмор муҳандисларимиз, бунёдкор халқимиз меҳнати билан мана шу муаззам ёдгорлик мажмуи қад кўтаргани ҳаммамизнинг ҳазрат Марғиновичга бўлган чексиз эҳтиромимиз ифодасидир.


ФИҚҲ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ



— Фарзандларимиз ҳамisha ақли, доно, соғлом ва бахтли бўлишини Яратгандан сўрайлик, — дедилар Юртбошимиз фарғоналик талаба Хушнуд Хайдаровга қараб.



Бурҳониддин Марғинович мажмуасининг ўртасида қад ростлаган салобатли нилйиранг куббани истиқлолимизнинг абадий рамзи дейиш мумкин.



Уч гектардан зиёд майдонга ястанган мана бу шуқудли хаббон билан эндиликда бутун Ўзбекистон фахрланишга ҳақли.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

«Халқ сўзи»нинг махсус муҳбири Набижон СОБИРОВ тантаналар нишонланаётган жойдан хабар қилади

Дилбар Фарғона яна тўй-тантана, катта байрам оғушида. Эрталабонақ Фарғона тайёрагоҳидан янраган карнай-сурнай садолари пешна-пеш ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар олиму фузалолар, дин пешволарини фиқҳ илмининг буюк султони Бурҳониддин ал-Марғинович таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллиги тантаналарига чорлай бошлади.

Меҳмонлар давлат алломининг киндик қони тўқилган Риштон туманига ташриф буюришди. Риштонликлар буюк ҳаётроқлари тўйига юртимиз мустақилликка эришгандан буён тайёргарлик кўришди, десак муболага бўлмайди. Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи қайтадан бунёд этилди. Буюк зот туғилиб ўсган Даҳбет қишлоғидаги қабристонда улкан макбара қад кўтарди. Соҳибни Хидоя номи билан машҳур бўлган бу хотира макмунида аллома руҳи покига тиловат қилинди.

Шундан сўнг тантанга қатнашчилари ёш Бурҳониддиннинг бундан тўққиз аср иллариги изидан бориб, Марғилон шаҳрига ташриф буюришди. Тарихдан маълумки, бўғуси буюк олим Марғилонда 9 ёшдан 23 ёшгача яшаб, дастлаб диний ва дунёвий илмлар сабоғини шу ерда олди.

Марғилон номини бутун дунёга маълум машҳур қилган буюк ўғуллар орасида Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг олдида тушадигани топилмаслиги аён. Мана шу зоти муборак, фиқҳ илмининг буюк султони шарофати билан шаҳарда, шундоқ, темир йўл бекати майдонига туташ манзилда кўлар қувонадиган, ажиб тароватли гўзал ва файзли маскан барпо этилди.

Туркий халқларнинг қадимий олағига биноан кўзлуг маъракага ташриф буюрган меҳмонлар шарафига ош тортилади. Шу машварат иштироқчилари аллома тўйининг ташкилотчили ва амалга оширилган ишлар илҳомчиси мамлакатимиз Президентини И.А.Каримовни зўр тантаналар билан кутиб олдилар.

Олтига устун мардона тутиб турган Кубба пойида мажмуанинг очилишига бағишланган тантанали йилгили бўлиб ўтди. Йилгили Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев очди. Ўзбекистон Президентини тантанга қатнашчилари олдида Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг юртимиз минг йиллик тарихида тутган ўрни, илмий ме-

росининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади. Тантаналарда сўз олган Марғилон шаҳар бош имом-хатиби Собир қори Эминов, Фарғона Давлат университети талабаси Хушнуд Хайдаров, Миср Араб Республикаси қўләмаалар Маркази директори Юсуф Зайдонлар юртимизда қадриятларни тиклаш, буюк алломалар руҳи покни улдулаш, илмий меросини қайтариш борисида катта ишлар амалга ошириляётганлиги ҳақида тўққизлаб гапирди.

Халқимиз яхсининг шарофати, деган ибратли нақл бор. Юртбошимизнинг инояти билан, ватанимиз тарихида ўчмас ном қолдирган буюк зотларнинг муборак номлари киндик қонлари тўқилган заминга қайтибгина қолмай, улар шарафига ажиб, кўркам боғ-роғлар, гўзал мажмуалар бунёд этиляпти.

Қўқонлик машҳур нақшош Абдулгани Абдуллаев томонидан тайёрланган устунлар яхлит санъат асарини эслатади. 8,6 метр балангликтаги устунларнинг нақшларида шарқ ўйма меъморчилик санъатининг энг нечоқирқаларга кўзга ташланис турбибди. Яна бир ўзига хос рамзийлик куббанинг устки қисмида нилйиранг жило бериб турган ўттиз мингдан зиёд сопол гиштчаларни алломининг риштонлик ҳамқишлоқ кулодлари, ўша давр усуллари асосида тайёрлаб беришган. Куббанинг ички қисмидаги мўжизакор ганч нақшларини эса Топшкендаги «Қадрият-тамир» бирлашмаси усталари амалга оширишди.

Президент Ислам Каримовнинг Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.
Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!
Узоқ-қиндан келган муҳтарам меҳмонлар!
Авваламбор, сиз, азизлар билан қадимий ва гўзал Марғилон заминида, муборак Рамазон арафасида кўришиб турганимдан гоёт бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман.
Қадри дўстлар!
Ўтган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш халқимизга хос эзу фазилат, хайри ва савоб ишдир.
Бутун биз кўп-кўп мумтоз зотларнинг она шаҳри бўлган, не-не авлиё, алломага фозиллар қадами теккан қўна Марғилонда башариёт маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк фиқҳ Бурҳониддин Марғинович ҳазратларининг ёд этиб, ул зоти шарифга бўлган фарзандлик ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириш учун тўғилди.
Ислам ҳуқуқшунослигининг улкан намоянаси, шайхулислом Бурҳониддин Марғиновичнинг номи Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингарини улуг сиймолар қаторида туради.
Нафақат мусулмон олами, балки бутун дунё эҳтироф этган, Оллоҳ таоло берган ақлаковати билан ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мерос билан мана шу Фарғона дийрини жаҳонга тараннум этган ул зотнинг тарихимиздаги ўрни ва обрўси беқиёсдир.
Ўз ҳаётини дину дийнат поклиги, иймон-этиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу муътабар алломининг Шарқ оламида «Бурҳониддин вал милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам бунга яққол исботлайди.
Қадри биродарлар!
Ҳаммамизга маълумки, ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олим уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар.
Лекин бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан исломий ҳуқуқ асосла-

рини белгилаб бергани ва шу илмининг ҳар томонлама ривож топишига қўшган ҳиссаси билан шу заминдан етишиб чиққан бизнинг буюк ватандошимиз Марғинович ҳазратларига тенг келадиган бошқа аллома камдан-кам топилади, десак, асло муболага бўлмайди.
Бурҳониддин Марғинович яшаган замон — Шарқ Уйғониб келган биринчи босқич бўлмиш X-XII асрларда Мовароуннаҳр заминида илму фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди.
Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётини масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаси назаридан ҳал этиб берган.
Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки олдий халқ орасида ҳам «Хидоят йўлининг сарбони» дег катта ҳурмат-эҳтибор топган.
Марғиновичнинг ўчмас мероси, хусусан, «Хидой» — «Тўғри йўл» деб аталган китоби, мана, саккиз асрларки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётганининг боиси ҳам ана шунда.
(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорликнинг ёрқин кўзгуси

«Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси Ватанимиз экспорт салоҳиятини оширишда пешқадамлик қилаётир

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.
Бундан бир неча ой илгари кўчада чиройли қилиб тувакка солинган, аслида сунъий бўлса-да, кўринишидан табиий ва жонли гуллари кўриб бир зум тўхтаб қолдим. Турфа гуллари нақлисини, ниҳоятда жозибали илганинглиги ўзига тортган эди. Беҳтиёр унинг ёнига борганимни ва баҳосини эмас, балки қаерда ишлаб чиқарилаётганини сўраганимни ўзим билмай қолдим.
— Узинида, «Совпластитал» корхонасида тайёрланган. Сизга қайсиносидан берди, негиз ола-си? — деди беъмалол сўрагим.
— Мухтарам газетхон, сиз юртимизда қўшма корхоналар ичида энг пешқадами — «Совпластитал»-да бўлганмикин? Агар ишонсангиз, маъмур корхонани ҳеч муболагасиз муъжизалар маскани дейиш мумкин. Пластмассадан тўрт ярим минг хилдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини кўриб ҳайратга тушмай илҳомингиз йўқ. Наҳотки, шу олдий материалдан шунчалик ранг-баранг ва хилма-хил маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлса?
(Давоми 2-бетда).

Илгари хабар берилганидек, 14 декабрда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг туртинчи сессияси ўзини бошлайди. Унга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш учун депутатларнинг ишчи гуруҳи ташкил этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Кеча депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни шу гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.
Мажлис қатнашчилари мамлакатни ривожлантиришнинг Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган стратегик дастурига мувофиқ амалга ошириляётган ислохотларни янада муқурлаштириш, жамиятнинг ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришда парламентнинг булажак сессияси муҳим ўрни тутишини таъкидлашди. Маълумки, иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг туртинчи сессияси янги, XXI аср арафасида ўтди. Бу ўз-ўзидан мамлакат қонуношунослигининг олий анжумани аҳамиятини яна ҳам оширди. Шу муносабат билан барча тайёргарлик тадбирларини юксак ижтимоий-сиёсий, профессионал, ташкилий-техник даражада ўтказиш зарурини ҳам алоҳида таъкидланди.
Депутатларнинг ишчи гуруҳи самарали ишлашини таъминлаш эъти мақсадларини кўзлаб унинг таркибиде сессияни тайёрлаш ва йўналишлари бўйича учта кичик гуруҳ ташкил этилди.
Қонуночилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов раҳбарлигида биринчи кичик гуруҳга Олий Мажлисининг туртинчи сессияси кул тартиби бўйича тақлифларни тайёрлаш билан шуғулланиши, сессия муҳокамасига тақлиф этиляётган кул тартиби бўйича қонуночилик ҳужжатларининг лойиҳаларини депутатларга ўз вақтида жунатиш, шунингдек, олинаётган тақлифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириш билан шуғулланиш топширилди.
(Давоми 2-бетда).

Президент Ислон Каримовнинг Бурхониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, бу муаммо асарнинг Европа тилларида ҳам таржима қилинган, бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилган, унга турли тилларда қўлланадиган асарлар билинган. Президентнинг қўллаган асарининг маънавияти, унга турли тилларда қўлланадиган асарлар билинган. Президентнинг қўллаган асарининг маънавияти, унга турли тилларда қўлланадиган асарлар билинган.

Агар биз алломанинг замондошларидан бири айтган «Эй ақл эгаси, «Хидоя»ни ўқиб, марғиновични, чунки у сени ҳидоят йўлига бошлаб, энг олий мақсадларга етказган», деган сўзларни эсласак, ўйлайманки, у зоти шарифнинг авлодлар олдидagi тарихий хизматларини яна бир бор аққол тасаввур қилган бўламиз.

Муҳтарам ватандошлар! Азиз меҳмонлар! Бурхониддин Марғиновичнинг бизга қолдирган улкан меросини эришган шон-шухрати замирида аввало унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари муҳассабам.

Бу заҳматкаш аллома ҳаётининг мазмунини бўлмиш эллик етти китобдан иборат «Хидоя»-дек улкан асарни бўлмиш этган, ўз асарларига бирор марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмагани, балки «Бу заиф банд айтди», дея камтарона изоҳ бериши ҳар қандай одамни бугун ҳам ҳайратга солади.

Ва унинг улуг эътиқоди, илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтарлик ва хокисорлик фазилатлари бу зотга нисбатан барчамизда буюк ҳурмат ва эҳтиром уйғотди.

Хурматли юртодошларим! Кўп асрлик тарихимиз шундан даллат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўти-

ши, ҳаётнинг турли тўфон ва буронларига мардона бардош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этганини кўриб қолганларимизга, агар биз алломанинг замондошларидан бири айтган «Эй ақл эгаси, «Хидоя»ни ўқиб, марғиновични, чунки у сени ҳидоят йўлига бошлаб, энг олий мақсадларга етказган», деган сўзларни эсласак, ўйлайманки, у зоти шарифнинг авлодлар олдидagi тарихий хизматларини яна бир бор аққол тасаввур қилган бўламиз.

Бамисоли қўшнинг парвози учун кўш қанот қанчалик зарур бўлса, инсониятнинг ҳаёти ва таракқиёти учун мана шу икки буюк тамойил ҳаммисо таянч ва сунъч бўлиб келади.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганар эканмиз, ана шу ҳақиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганини ишонч ҳосил қиламиз.

Шубҳа йўқки, «Куч — алоқадорлар» деган ғояни ўз ҳаётининг мазмунини деб билган Амир Темур бобомиздек улуг аждодларимизнинг қамол топишида ҳам «Хидоя» сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқисб бўлган.

Шу маънода, бизнинг алоқадорлиги ямайт барпо этиш йўлида амалга ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илмийларга эга, десак, янглишмаган бўламиз.

Бурхониддин Марғинович асарларининг моҳияти бўлмиш алоқадорлик бўлиши, ўз даврининг ҳукуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганини мол-мулкига кўз олайтирмастик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва дин, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аллома бобомизнинг бой илмий меросига ана шу нуқта назардан қарайдиган бўлсак, уни ҳар томонлама чу-

қур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиққан тажрибалар билан бойитиш зарур. Ва бу улуг меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқисб маънавий озиқ деб билишимиз даркор.

Энг муҳими, қандай ўлмас мерос эгалари эканлигини ҳеч қачон унутмаслик, ана шу бойликни кўз қорачиғиди асраб-авайлаш, бир сўз билан айтганда, улуг аждодларимизга муносиб ворислар бўлиш — шу саховатли ва гузал заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Муҳтарам жамоат, азиз ватандошларим! Инсоният тарихида ёрқин из қолдирган буюк шахслар аввало Оллоҳ товоли азиз тугган муборак заминда дунёга келди. Бу кўна ҳақиқат ҳаётда кўп бор ўз исботини топган.

Буюк бобомиз Бурхониддин Марғиновичнинг киндик қони томанг кўна Риштон тупроғи, ул зоти шариф қамолга етган қадимий Марғилон ҳам ана шундай табаррук масканлар қаторига кирилади.

Марғилон деганда, бетақдор табиати, бог-роғлари, камалакдек сержил атласлари, ўзининг рамзига айланб кетган ранг-баранг дўпчилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоян бўлади.

Бу замин азал-азалдан одоб-андешли ва барикенг, меҳнаткаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқ, моҳир ҳўнармандлари, уста бонғовлар, ҳушовоз ҳўнармандлари билан шўҳрат қўзониб келди.

Фарғона vodiysининг марвариди бўлмиш Марғилоннинг

бундай юксак обрў-эътибор топишида, авваламбор, мана шундай фазилатларга эга бўлган халқнинг меҳнати ва шу муқаддас заминда униб-ўсиб, вояга етган, ўз юрти довуғини бутун дунёга таратган муътабар зотларнинг ҳиссаси беқисб.

Бу борда умр буйи Марғилон номини улуғлаб яшаган Бурхониддин Марғинович бобомизнинг хизматлари чексиздир. Мен бугун сиз, марғилонлик муҳтарам юртодошларимга қарата шу юксак минбардан тўриб айтмоқчиман: шундай улуг бобомизнинг азиз номини кўксингизга тумор қилиб олсангиз арзийди, албатта.

Ишонаманки, бу табаррук тумор, Яратганимизнинг марҳамати билан, нафрат Марғилон аҳлини, балки ҳар бир ватандошимизни, бугун элу юртимизни ёмон кўзлардан, турли бало-қўзарлардан асрайди.

Биз бугун ҳазрати Марғиновичнинг хизматларини бугун дунё тан олишини, жаҳонда қўллаб-қувватлаш илм даргоҳларида алломанинг мероси ҳар томонлама ўрганилишини, ҳўр ҳар унинг асарлари асосида қанчалар қанча талаба ёшларга сабоқ берилаётганини гурур ва ифтихор билан тилга оламиз.

Буларнинг барчасини биз улуг бобомизнинг муборак сиймоси бугунги кунда ҳам мамлакатимиз, халқимиз обрўсига обрў қўшаётганидан даллат деб билишимиз.

Шу фарзатдан фойдаланиб, аллома Марғиновичнинг илмий меросини ўрганаётган, у бошлаган ишини давомчилар бўлган олим ва мутахассисларга, ул зотнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, зўрат

этиш мақсадида узоқ-яқиндан келган барча азиз меҳмонларимизга халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ва ўз эҳтиромимизни изҳор қилишга ижозат берайлис.

Азиз дўстларим! Илм ва истеъдодини, бутун борлигини миллат учун, халқ учун, башариёт бахт-саодати учун бахшида этган ҳазрат Марғинович каби буюк инсонларнинг тарих олдидagi, келажак олдидagi хизматлари асло унутилмайди.

Марғинович ёққан илму маърифат машъаси ҳеч қачон сўнмайди, авлодларнинг онгу тафаккурини доимо мунаввар этиб туради.

Бу ҳақиқат бугунги қўтлуг маъракалар мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Улуг бобомизнинг муборак таваллуд тўйи шарофати билан қадимий ва бетақдор Марғилон шаҳри ўзгача чиroy ва тароват касб этгани, қўли гул қурувчиларимиз, моҳир усталаримиз, мезморун муҳандисларимиз, бунёдкор халқимиз меҳнати билан мана шу муаззам ёлгорлик мажмуи қал кўтаргани ҳаммамизнинг ҳазрат Марғиновичга бўлган чексиз эҳтиромимизни фидослади.

Бу муҳтарам ёлгорлик мажмуини бунёд этишда қатнашган барча юртодошларимизга чин қўлбилан миннатдорлик билдирамиз, умрингиздан бирака топинг, қўларингиз асло рақат кўрмасин, дейман.

Келинлар, азиз дўстларим, биродарларим, буюк бобомиз таваллуд топган мана шу муқаддас Фарғона заминидан тўриб, у муътабар зотнинг руҳи покларини сўз бўлиш, муборак қўлларини илоҳий нурга тўлиш, дея тилга қилайлик.

Бугунги ҳаётини, унутилмас лаҳзаларда Бурхониддин Марғинович бобомиз хотирасини яна бир қарра ёд этиб, мана шундай азиз-авлиёлари ҳақида бешик бўлган юртимизга Оллоҳдан тинчлик-омонлик, халқимизга бахту саодат, фаровонлик ато этишини сўрайлик.

Илоҳим, барча хайри ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададор бўлин!

Шу қўтлуг кунда қилган жамики эзгу тиллақларимиз ижобат бўлин!

Ҳамкорликнинг ёрқин кўзгуси



Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси. Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасининг фидойи ходимлари — қўлиловчи Олег Седов, расмон Жанна Исакова ва шубҳа корхона директори Юрий Аристов ана шу шир асосида ишлашмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўшма корхонага киревчи харидорлар учун катта қўрғазмалар зали мавжуд. Бу ерда бир-бирдан бежирим турли хил гуллар, манзарали дарахлар, дала ҳовли учун стол-стуллар, болалар ўйинчоқлари, янги йил арчалари ва уларни безашга керак бўладиган турфа хил ўйинчоқлар, енгил оёқ кийимлари, рўзгор анжомлари, ойналар, совгабоп буюмлар, худлас одамни ҳайратга соладиган маҳсулотларни кўриб кўзингиз қамашади.

«Совпластгайт» мана ун уч йилдирки, Ўрта Осиёда чет эл валютасига бунёд этилган тўнғич кўшма корхона сифатида фаолият юритмоқда. Дастлаб у гуллар, сунъий ўсимликлар, шунингдек, пластамадан ҳўжалик ва маший мақсадларда ишлатиладиган бир неча маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Йиллар ўтгач, корхона маъмурияти аҳоли эҳтиёжини ўрганиб, маҳсулот турларини кўпайтириб борди. У ташкил бўлган йили 13,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 2,7 миллиард сўм бўлиши кутили-

моқда. Шунга айтиш керакки, мамлакатимиз ташкил қилинган кўшма корхонага катта имкониятлар яратди. Бу даврга маҳсулот ҳақми, унинг тури янада кўпайди. Италиядаги нуфўзли фирмаларнинг маблағи жалб қилиниб, бир қанча шўба корхоналар ташкил қилинди. Масалан, 1993 йили «Джи Вал» ва «Флорал Силк» фирмалари билан биргаликда низом жамғармаси 105 минг АҚШ долларини бўлган ана шундай корхона вужудга келди. У аёллар кийими учун тўгмалар ишлаб чиқара бошлади. Ҳўзир асосан Италия технологияси асосида замонавий йўл белгилари чиқарилади.

1994 йили «Табор и Эрминио» фирмаси билан биргаликда янги йил байрами арчаси ва унинг безаклари ишлаб чиқаришга, низом жамғармаси 246 минг АҚШ долларини бўлган шўба корхона, яна «Сонна снс ди Корназе», «Мантек» фирмалари билан ана шундай корхоналар бунёд этилди.

Энг муҳими, қўшма корхона ташкил этилгандан бери маҳсулот ҳажминини кўпайтириб борди. Бу жамоа раҳбарларининг изланишлари, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб маҳсулот ишлаб чиқараётганига боис амалга ошириляпти. «Совпластгайт» маҳсулотларини нафақат республикамизда, балки АҚШ, Италия, Англия, Ҳаммаёстлигини деярли барча давлатларида ва Боснийнинг республикаларида ҳам яхши билишяди. Корхонанинг учта замонавий дўқони, битта тижорат маркази, Москва ва АҚШда савдо уйлари мавжуд.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳоржик мамлакатлари томонидан ҳам эътироф этил келинаётири. Мадрид, Париж, Нью-Йорк, Барселона, Ницце, Мехико, Москва, Киев, Измир, Буда-

пешт, Монреал, Женева, Брюссел ва Венг шаҳарларида халқаро мукофотларга лойиқ деб топилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Кўшма корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига назар ташласак, у йилдан-йилга қосимлик бораётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жорий йилнинг ўн ойида 1,8 миллиард сўмдан ортққ маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Бу кўрсаткич йил якунигача 2,7 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Утган йили 250 миллион сўм фойда олиниди. Мамлакатимизда пластамадан ишлаб чиқаришнинг 90 фоизи корхона улўшига тўғри келиши ҳам унинг йирик жамоаларидан эканлигини билдиради.

Биз корхонада бўлганимизда бир хайри таралдуни сезди ва хурсанд бўдик: республикамиз ички бозорини пластамадан ишланган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, худди шундай импорт маҳсулотларга ўрин қолдирмаслик асосий йўналишга айланган.

Ҳаёт изланишини, ихтиролар қилишини тақозо қилади, — дейди қўшма корхона бош директори, республика Олий Мажлиси депутаты Александр Мелкумов. — Маҳсулотларимизга эътибор ошиб бораётганини бизни рўқндайлади, албатта. Уз ишимиз билан мамлакатимиз мустақилигини мустақамлашга ҳисса қўшаётган бўлсак, биз ўзимизни давлатимиз олдидagi фуқаролик бурчимизни бажарган, деб ҳисоблаймиз.

Биз мамлакатимизнинг Италия билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналаридан бири турғисида ҳўра қилдик. Аслида бундай корхоналар юртимизда кўп. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида мавжуд бўлиб, рақобатбардор, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиломоқдалар.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мағбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ҳ. Ҳошимов раҳбарлик қилаётган иккинчи кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарликнинг боришини ва сессиянинг ўтказилишини мамлакат оммавий ахборот воситаларида ёритилишини, журналистларнинг аккредитациясини, парламентнинг мажлислар залидаги «Рада-Маж-

лис» электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини таъминлайди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тadbirkorлик қўмитасининг раиси М. Умаралиев раҳбарлик қилаётган кичик гуруҳ сессияга келувчи депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларнинг овқатланишини, уларга транспорт, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатилишини

ташқил этиш билан шўғулланади.

Мажлисида қўнун лойиҳаларини пишиқ-пухта тайёрлаш, уларни депутатларга ўз вақтида жўнатиш, киритилаётган таклифларни самалар ўрганиши ва ҳисобга олишини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Оммавий ахборот воситаларида сессияга тайёргарлик ишининг боришини, қўнунларни яратиш жараё-

нида сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаол иштирокини кенг ва муфассал ёритиш заруриги кўрсатиб ўтилди.

Ишчи гуруҳининг мажлисида сўзга чиққан депутатлар ўзларининг бугун қўғайратларини бўлажак сессияга фаол тайёргарлик кўриши ва уни муваффақиятли ўтказишга сафарбар этишга тайёр эканликларини изҳор этишди.

Еттинчи хазинанинг етмиш қирраси



Навоий туманидаги «Сардоба парранда» ҳиссадорлик жамиятида 350 минг тона парранда парвариши қилинмоқда. Жамият жамоаси ҳўзиргача шаҳарликлар дастурхонига 23 миллион тона тухум, 263 тонна парҳез гўшт, қолбаса ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. Яқинда бу ерга маҳсулотни янада кўпайтириш мақсадида Белорусиядан 80 минг тона «Белорус-9» зотли жўжалар олиб келинди. Йил охиригача яна Россиядан 150 минг тона жўжа келтириш режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда қолбаса ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш, яхна ичимликлар, тикув, тасма



Сурайё Очиллова жало берган совгабоп буюмлар пештахталарда тўриб қолмайди.

• Анжуман
Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Бов масала — обунани ташкил этиш

ятлари ҳисобидан обуна баҳорларини арзонлаштиришга ҳаракат қилаётганлар. Жумладан, «Халқ сўзи» ҳам. Бирок, матбуот нашрларининг нархи вилотларга етиб борушга қадар анча қимматлашиб кетмоқда. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? «Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси раҳбари Р. Қосимов, «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси бош директори муовини А. Ортиқов Қорақалпо-

ғистон Республикаси ва вилотларда обуна мавсумининг бориши, муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапириб ўтдилар.

Шунингдек, «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти директори Р. Зикиров, «Самарқанд почтаси» акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Н. Собирова Тошкент ва Самарқанд вилотларида обунани ташкил этиш борасидаги ўз тажриба-

тайёрлаш, пар ёстиқ тикиш, ҳўл меваларни қуришти, туҳум пороҳи тайёрлаш каби ундан зиёд цехлар ишлаб турибди.

Ишчилар сонини 600 нафарга етказиш, йил охиригача туҳум ишлаб чиқаришини 25 миллион донага, гўшт ишлаб чиқаришини эса 315 тоннага етказишга аҳд қилган бу жамоа айни дамда шиқоят билан меҳнат қилаётди.

СУРАТЛАРДА: паррандачилик фермасининг умумий кўриниши; сотувчи Наргиза Хўшақтова харидорлар хизматида. Собир ЗУФАРОВ (ўза) олган суратлар.

Анджон вилоятининг Асака туманида истиқомат қилувчи фуқаро Соҳибжон Турғунов тақриригача йуборган мактубида маҳалла марказида Иккинчи жаҳон урушида ҳўлок бўлганларга хотира ёлгорлиги кўйиш масаласини ҳал этиш сурилиб келаётганини ҳақида ёзганди. Айни пайтда ариза муаллифи аҳолининг ичимлик суви билан таъминлашда узил-шиллар бўлаётганини, бу эса ўз навбатида кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқараётганини таъкидлаган эди.

Мақкур масалалар жойида тегишли мутаассидлар ҳамда хат муаллифи иштирокида атрофчи урғунли чиқилди, деб хабар беради туман ҳўкимининг ўринбосари жаноб А.Жўраев. Ҳўкимлик томондан

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

Шаҳидлар хотираси муқаддасдир

1999 йилда Оқбўйра маҳалласида яшовчи оқсоқолларнинг талаб ва истаклари инобатга олиниб, ушбу маҳаллада урушга кетиб, жангларда ҳўлок бўлган 370 нафардан ортққ жангчилар хотирасини абдийлаштириш мақсадида хотира-ёлгорлиги қурилиши режалаштирилган. Шу мақсад учун жой танланган ҳамда туман ҳўкимининг фармойиши билан ташкилий қўмита тўзилган.

Шунингдек, тумандаги қўллаб қўймоий ташкилотларнинг бу хайри ва савобли ишга ўзларининг ҳиссалари билан беминнат ёрдам кўрсатишлари ҳақидаги ташаббуслари ҳисобга олиниб, «Пахта-банк» туман бўлимида махсус ҳисоб рақами очилган.

қуриб битказилгач, хотира-ёлгорлиги қурилиши бошлаб юборилди.

Маҳаллани ичимлик суви билан таъминловчи артезиан қудуғининг насоси кўп йиллардан буюн фойдаланилиб келинаётганини сабабли у тез-тез ишдан чиқадиган бўлиб қолган, шу боис ичимлик суви таъминотида узилчилар бўлаётди. Жамоа ҳўжалиги бошқарувига насосни таъмирлаб, яна бир тона насосни захиралаш ва узуксиз ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш юзасидан тегишли топиширлар қилинди.


Ариза муаллифи фуқаро С. Турғунова ушбу масалалар юзасидан кенг ва атрофчи ташутиришлар беришди ва ўзи кўрган масалаларнинг ўрганиб чиқилиши яқиндан қўниқ-қўниқ ҳўсил қилди.



Қадимий заминнинг муқаддас гўшаси

Бугун Самарқандда имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланади

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги нишонланаётган айни кунларда буюк юртдошимизнинг бой мероси, ҳаёти ва ижоди олимларнигина эмас, оддий кишиларни ҳам қизиқтириши, шубҳасиз. Мухбиримизнинг қуйидаги суҳбатиди ана шу хусусда



Ўзлигини англаган юрт маънавияти унинг улуг ишлари билан бегиланади

Маҳмуджон МУХТОРОВ — имом ал-Мотуридий мажмуаси имоми:
— Қаранг, буюк алломанин ҳаёти ва ижоди фақат Самарқанд билан боғлиқ. Манбаларда айтилишича, Абу Мансур ал-Мотуридий илм олиши, ўз фикр дунёсини бойитиш сингари мақсадларда ўзга мамлакатларда бўлмаган. Лекин уни жаҳон танийди. Мен улуғ бобомиз ақидаларининг қимматини ҳам шунда деб биламан. Ва унинг қарашлари бугунги кунимизга жуда мос келади. Ўзларига Исломни ниқоб қилиб, ҳатто миллатига қарши қурол ишлатмоқчи бўлаётган айрим ёшларни тўғри йўлга бошлашда ана шу қарашлар ниҳоятда асқотадди, деб ўйлайман.
Айтишларича, имом ал-Мотуридий яшаган йилларда ҳам Исломда оқимларга бўлиниш, одамлар ўртасида парокандаликка тушиш ҳоллари учраган. Ана шундай пайтларда калом илмининг даҳоси даражасига кўтарилган бобомиз Куръон оятларидан, ҳадислардан далиллар келтириб билан айрим гуруҳларнинг нотўғри йўлга кириб бораётганини исботлаб берган.

Бундан англашиладики, аллома таълимоти бугунги маънавиятимизни ўрнатган маънавиятимиз билан уйғунлаштириб борапти.
Қурбон НАЖМИЕВ, — Мотуридий қишлоғида яшовчи фуқаро:
— Аждодларимизнинг улуг инсонлар эканини, уларнинг ҳаммиша дунё нигоҳида бўлишганини мустақиллигимиз боис англадик. Мен ана шундай юртда яшаётганимдан ўзимни бахтли ҳис этаман. Улуғларимизнинг руҳи покларига таъзим бажо айлайман.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари ўз замонасида фақатгина дунёвий илмлар билимдонигина эмас, динига, халқига эътиқоди чексиз, ободончилик борасида жонкуяр инсонлардан саналган. Қишлоғимизда Гўри гарибон қабристонига бор. Ана шу қабристон атрофини, бутун қишлоқни обод қилишда у кишининг хизматлари беқиёс экан. Оби раҳмат ариғи айнан ал-Мотуридий бобомизнинг саъй-ҳаракатлари

эвазига қишлоқдан ўтказилган. Бу ерда катта боғ яратилган, афсуски, ана шу боғ шўро тузуми даврида бузилиб, унинг ўрнида уйлар қурилган. Бөгдан нишона бир туپгина дўлана дарахти бор.
Ҳозир қишлоғимиздаги йиғинларда, тўйларда, давраларда буюк ватандошимиз бой мероси, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлашиб, фикрлашиб одат тусига кириб қолган. Аслида бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзлигини англаган юртнинг

маънавияти ҳам ана шундай улуг ишлар билан белгиланади.
Ҳусан РУСТАМОВ, — ишчи:
— Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида кўп савоб ишлар қилинаётганидан ўзимиздагина эмас, хориждагилар ҳам кўз юмиша олмайдди. Самарқандда барпо этилган Абу Мансур ал-Мотуридий мажмуасида амалга оширилган ишлар матбуотда, телевиденида неча бор ёритилди. Энди эса бобомиз тўйига қанчадан-қанча давлатлардан меҳмонлар келишяпти. Улар аҳли суннатнинг эътиқоддаги икки буюк имомдан бири бўлган имом Абу Мансур ал-Мотуридий руҳи покларини зиёрат қилишди.
Мендек оддий бир ишчининг қалбини мамлакатимиздаги бундай улугворлик, аждодларимиз буюклиги фақатгина тўлқинлантиради, қувончларга чулғайди. Бундай қувонч эса улугларимиз таълимотини янада чуқурроқ ўрганишга, улар ҳақидаги асарларни мутлоқ қилишга ундайди.



Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти
Таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг кенг китобхона оммасига мўлжалланган «Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти» номли мўъжазгина рисоласи аллома таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан тайёрланган бўлиб, хайрли ишга қўшилган ҳиссадир. «Фан» нашриётида яқингинада босмадан чиққан рисола асосан мақолалар мажмуасидан ташкил топган. Эътиборли томони шундаки, ўтган йили олмон шарқшуноси, профессор Ульрих Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқандда суннийлик илоҳиёти» номли қимматли тадқиқоти рус тилида нашр этилганди. Мазкур тадқиқот буюк бобомизнинг бой маънавий меросини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Филология фанлари доктори З.Исломовнинг ушбу китобга бағишланган «Олмон олимнинг муҳим тадқиқоти» номли мақоласи ҳам мазкур рисолага киритилган.
Бундан ўн бир аср муқаддам имом Мотуридий ҳазратлари яратиб кетган улмас таълимот бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга моликлигини эътиборга оласак, аллома меросини чуқур ўрганиб, ҳаётга табиқ этиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.
Умида ФАЙЗИЕВА.

Ҳидоят йўли

Эй, пойтахти ҳукомо
кўҳна Мовароуннаҳр,
Жаҳон аҳли тап бериб
дегайдир мудом балли.
Дунёга буюкларни
беиннат берган диёр,
Ҳар икки фарзандиндан
битмаси албат вали.
Гарчанд ҳаёл юксакда
тафаккури осмоний,
Улуғларнинг хислати
энг аввало оддийлик.
Самарқандни айтаркан
эл сўрганга Фарғоний,
Аслан, ўзи Фарғона
таваллудини водийлик.

Термиз Отам, Марғинович,
Ибн Сино, Фарангус,
Бул садпора жандамас
шоҳ Машрабининг сояси.
Нақибанд бобом бунда
барча жамдир алхусус,
Ясавий ҳазрат бунда
ёнида ҳамсояси.
Боболарим анал-ҳақ деб
замонлар шитобига,
Не бир жоҳил хонларни
бидъатдан этган халос.
Бугун одамзот мафтун,
аллома китобига,
Бор жаҳон Мотуридий
сўзига қўймиш ихлос.

Заҳмат ила расул бўлмас
муҳр этинг дилаг отин,
У таърифининг эҳсонидир
ул илоҳий имкон-да!
Ҳазрат сўфи бобомиз
чиқаргандир саводин,
Расулсифат инсонлар
қўлайди Туркистонда.

Подшолари от етаклаб
шоирини тортган юрт,
Дош беролмас ҳар ким ҳам
шоҳликнинг даввосига.
Кеча жаҳон минбаридин
амру маъруф айтган зот —
Бошин эгиб турибди
авлиё бобосига.

Дунё билан буюкларнинг
аксари бунда ётар,
Мен ўзимни қашф этдим
бул кун ўзимга қайтиб.
Самарқандим — Ота шаҳрим
энди чин тонлар отар,
Лабларим пичирайдур
эзу оятлар айтиб.

«Китоб-ул таъхид»дан то
«Ташаат аз аҳли сунна»,
Ҳидоятга чорлагувчи
не табаррук давъатлар.
Тоҳо юрак ўртанар
ўт кетгандек жисмига,
Илму фандан юз бурса
салтанатлар, сарватлар.

Яратганга хуш келиб
ташласа нури назар,
Хуқуқ илмига моҳир
этармиш ушал зотини.
Ўтган кўп буюкларнинг
нафасин руҳим сезар —
Бу табаррук издохомга
тўлангиз жамоатини.

Қулба-кун тўлиб борар
болам китоб жавони,
Ушалар таянч менга
сохта дўст озоридан.
Қайтаман, дилим ёруғ
ёруғ руҳи равоним,
Авлиёлар қошидан
тиркатлар мазоридан.
Исмаилюлло ЙЎЛДОШЕВ.
Самарқанд.

Оқибатли одамлар

Кекса чўпоннинг совғалари

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Чўпонлар радиога ўч бўлишди. Қайси бир чўпон-овулга борманг, батареяли кичик радиоларга кўзингиз тушади. Чўпонлар ҳамма воқеалардан хабардор, хоҳ хорижда, хоҳ ўзимизда. Улардан гап оча кўрмиз, баҳслашувда барибир енгиласиз.
Раббим ота Бобоев эса китобга меҳр қўйган. Китобларни қадрлайдиган оқибатли инсонлардан бири. Умири Оқтовнинг Чағирқул, Поппол қишлоқларига туташ адирада қўй боқиб ўтди. Халол меҳнати ту-

файли обрў-эътибор топди, фарзандлари қамолини кўрди. Ҳозир кексалик гаштини суриб, роҳат-фароғатда яшаяпти. Эътиборлиси, Чағирқул қишлоғидagi 23-мактаб отахоннинг домий эътиборида. Ўн-ўн беш кунда бир келиб турмаса, кўнгли тинчмайди. Небараларнинг ўқини билан танишадди, тарбиясидан воқиф бўладди.
Ҳар гал мактаб кутубхонасига кириб ўтишни ҳам қанда қилмайди. Урни келганда мактаб директори Раҳмат Равашинова кўнглидагини тўкиб солади.
Яқинда мактабда бўлиб

ўтган бир тадбирда Раббим ота ўқувчиларга дарсликлар етишмаётганини сезиб қолди. Уқув йили бошланганига 2 ойдан ошяптию, буни ҳеч ким билдирмапти-я! Директордан би-роқ ранжиган бўлди, у. Ва боқувга қўйган 3 та кўчқорини сотиб, пулини келтириб беришни ният қилиб қўйди. Борзордан қайтган, ўли Умарқулдан кўчқорларнинг пулини директорга бериб юборди.
Орадан кўп ўтмай директор отахонни мактабга таклиф этди. Сотиб олинган китобларни кекса чўпоннинг ўзи ҳам таъминланган оилалар фарзандларига, энг аълочи ўқувчиларга тарқатди. Дарслик китобларининг илк саҳифасига «Кекса чўпон Раббим Бобоевдан совға» деб ёзиб қўйган.
Бу ёзув Хатирчи туманининг узоқ тоғли қишлоғида яшовчи мурғак қабларни эзгуликка чорлади.

Жиноятга жазо муқаррар

Айланма йўл бошини айлантирди

Эркин МАВЛОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Тун. Қоронғида бир қадам нарини илғаб бўлмайди. Лекин эндигина ўн олти ёшга тўлган Баҳодир ва ўн беш ёшли Раҳматуллолар шунга қарамай қабристон оралаб юришибди. Тунги шарпалар белгиланган жой, тўғрироғи, бир қабр ёнига келиб тўхташди. У ердан темирдан ясалган икки донга зангласмас ёдгорликни кўчириб олиш уларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади.
Бекобод тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг биринчи бўлимида яшовчи Татьяна ва Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Еленалар марҳум оталари руҳини шод қилиш мақсадида ушбу ёдгорликни ўрнатилган. Инсонийлигини йўқотган Баҳодир ва Раҳматуллолар эса арзимас пул эвазига марҳум руҳини чирқиратиб кетишди.
Янгийўл шаҳрилик Владимир Орезов ҳам соат 22 ларда Янгийўл туманининг Озод жамоа хўжалигида жойлашган 1-сонли қабристонга қадам ранжиди қилади. Зиёрат учун эмас, албатта. Балки, қабрлар

устига ўрнатилган алюмин панжараларга «кўз тиканди». У тун қоронғусида бешта қабрадаги алюмин панжараларини олиб чиқиб кетди. Владимир бундай жирканч ишларини марҳумлар ҳеч кимга айтишмайди, деб ўйлаган бўлса керак. Афсуски, марҳумлар руҳи ўғрининг жазага лойиқ эканлигини билдириб қўйди.
Ҳеч бир банд инсофини йўқотмасин экан. Акс ҳолда бундай кишилар шахсий манфаати йўлида ҳар қандай номаъқулчиликдан тап тормай қоларкан. Антренлик Дилшод ва Абдуназарларни шундай ноинсофлар сирасига киритсак бўлади. Улар даромад олиш илгини Антрен шаҳар «Кумирнерго» акционерлик жамиятига қаршли «ТРП-1» трансформаторидан ўтказилган 1.200 метрлик алюмин симларини ўғирлашди. Ўғирлик симларнинг нархини ҳисоблаб кўрсак, 128.000 сўмни ташкил қиларкан.
Шу шаҳарда истиқомат қилувчи Олим ҳам ҳеч қандай ишламайди. У ҳам бошқалар сингари меҳнат қилиб кунини ўтказса

бўларди. Лекин у бундай қилмади. Олим ёмон ният билан Антреннинг «Қалин-қозғовсал» қорхонасига ташриф буюрди. Қарасаки, қўлга илинадиган анчагина мис трубалар бор. У йўланис ўтирмасдан оз эмас, кўп эмас нақд 100.000 сўмлик шундай қувурларни олиб жуфтатки ростлаб қолди.
Телефон энг ишончли ва қудай алоқа воситаларидан бири эканлигини яхши биламиз. Бу восита туфайли минглаб километр узоқликдаги кишилар билан сўзлашамиз, керак вақтида махсус ёрдамларга мурожаат қиламиз. Умуман айтганда, унинг хизмати ниҳоятда бебаҳодир. Лекин айримлар борки, гараз ниятда бу алоқа воситасига жиддий шикаст етказишади. Бу шикаст эса давлат учун ҳам, кишилар учун ҳам моддий ва маънавий зарар келтирмоқда. Бўстонлик туманида яшовчи А. Қиличевнинг ҳаракати шундай ҳолатни келтириб чиқарди. У шахсий даромад қилиш мақсадида «Тошкенттелеком» ҳиссалорлик жамиятининг Фазалбек филиалига тегишли «ТП-4» русумли 6.120 метрдаги телефон

симларини кесиб олган. Симларнинг нархи эса 200.000 сўмни ташкил этган.
Айрим «учар»ларнинг ёқилги маҳсулотларини яширинча йўллар орқали қўшни Қозғистон Республикасига олиб ўтишга уринишга талантиги ачинарли ҳоллар. Улар қинғир мақсадлари йўлида турли найранглари ишга солишяпти. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи И. Убайдуллаев ҳам шундай «учар»лардан чиқиб қолди. У бошқаларни чагитиш мақсадида от-аравадан фойдаланмоқчи бўлди. «Учар» қиймати 34.500 сўмлик 300 литр соляркани аравага ортиб айланма йўл орқали Қозғистонга отланди. Афсуски, Тошкент тумани «Тошкент» ДАН-чекара постидagi ҳуқуқ-тартибот ходимлари унинг саёҳатига яқун ясашди.
Қозғистон фуқароси Асқар Қуронов ҳам чегарачилар хўшёрлигини бир синаб қўриш мақсадида 56.350 сўмлик 490 литр дизель ёнилгисини тортиб қолди. Аммо «Тошкент» чегара масканида турган милиция ходимлари «меҳмон»нинг ҳазилига вақтида жиддий жавоб қайтаришди.
Айтиш жоизки, қинғирлик ҳеч кимга ҳеч қачон наф келтирмаган. Шундай экан, бу йўлдан узоқроқ юрайлик. Илоҳи бўлса бошқаларни ҳам бундан вақтида оғох этайлик.

Устахонадан топилган пул

Сирдарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юрталари 3,7 миллион сўм ишлаб топилди. Амалий таълим ўқувчилари устахоналарда турли идора ва уй буюмлари таъмирланиб, 300 мизг сўм, ўқув курслари тайёрлашдан 1,5 миллион сўмдан зиёд даромад қилинди. Турли буюмлар ишлаб чиқарилиб, 1,8 миллион сўмга сотилди. Қўрилган даромад ўқувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, қўшимча стипендиялар жорий қилиш, етиштириш ўқув курслари сотиб олишга сарфланадир.

Саховатпеша Рут хоним уйи

Ҳаракатчан, хушмуомила, меҳрибон Рут хонимни сирдарёликлар ақин қадрдонларидек ҳурмат-иззат қилишади. Жанубий қореклик кекса хоним республикамизга кўп марта келди. Бахт шаҳрида саккиз йил яшади. Маҳаллий халқ урф-анъаналарини, ўзбек тилини яхши ўрганган Рут хоним саховатпешалик билан ҳам шўхрат қозонди.
Яқинда Сирдарё туманидаги С. Раҳимов номли хўжалик қўрғонига очилган қариялар уйига унинг номи берилди. Хоним шундай уй очиниш мақсад қилган эди. Унинг ниятини дуоасининг турмуш ўртоғи профессор Чан Пақ амалга оширди ва уйга саховатпешалик рамзи сифатида Рут хоним номини қўйишни таклиф қилди.
Яқиндаги нафақат номи, балки эзуе нияти ҳам сўммасинини ҳаёт ишоблади.
А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қўшиғимдасан, созимдасан, қалбимдасан, Ўзбекистоним!

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.
Хивада «Қўшиғимдасан, созимдасан, қалбимдасан, Ўзбекистоним» деб номланган кўшиқ байрами ўтказилди. Вилоят ҳамда туман ҳокимликлари, республика уюшмалари қадимий шаҳарда қарор топган ушбу янги оммавий тантаналар ташкилотчилари бўлишди.
Катта дастурдаги рангбаранг кўшиқларни ижро этишда санъат усталари билан бир қаторда кўплаб ҳаваскорлик жамоалари, ижодкор ёшлар фаол иштирок этишди. Ватанимиз шону шавкати, буюк келажиги, истиқлол саодати мадҳ этилган, халқимизнинг муомтоз санъати авайлаб асралаётганлигидан дарак берган дилрабо ашулардан кун давомида баралла янгради.
Кўшиқ байрами бир қатор ёш санъаткорлар, ба-сткорлару шоирларнинг, шунингдек бошқа ижодкорларнинг номларини элга танитди. «Соғлом авлод йил»да уларнинг завуқ шаққлари, маҳоратлари сезиларли ортанлигини кўрсатди.
Ичон қалъада оммавий сайил ҳам бўлиб ўтди. Вилоят туманлари бадий ҳаваскорлик жамоалари концертлари, халқ амалии санъати намояндалари кўргазмалари намойиш этилди.

Алломалар юбилейига бағишланди

Б. МАНСУРОВ, ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон Бадний академияси буюк алломалар — калом илмининг асосчиси Имом Абу Мансур ал-Мотуридид таваллудининг 1130 йиллиги ва фикҳ илми дарғаси Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишлаб кўرғазма ташкила этиди.

Бу икки буюк алломанинг илмий мероси нафақат республикамиз, балки дунё жамоатчилиги учун ҳам юзлаб қадри ҳисобланади. Ушбу бебаҳо асарлар бугунги кунда Англия, Франция, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Туркия, Миср Араб Республикаси ва бошқа кўплаб мамлакатларда кўлағим сифатида фойдаланиб келинмоқда. Ҳумладан, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари бутун мусулмон дунёсида тан олинган ислом қонуншунослиги бўйича

асосий манба ҳисобланади.

Бадний академиянинг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида очилган кўрғазмада таваллуд кунлари нишонланаётган бобокалонларимиз тўғрисида тўла маълумот, уларнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланиб келинаётган қўлёзма асарларининг фотосуратлари намойиш этилмоқда. Кўрғазмадан, шунингдек, Х.Саидиевнинг хаттолиқ ишлари намуналари, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти археология музейида сақланаётган IX-XI асрларга оид бронза, сопол ва шиша буюмлар, адабиётшунос олимларнинг "Марғиноний ва унинг издошлари", "Ал-Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари ва унга ёзилган шарҳлар", "Ал-Марғиноний — машҳур фикҳшунос", "Ал-Мотуридид ҳаёти ва мероси" каби рисолалари ҳам ўрин олган.



Болалигим, сени соғиндим...

Қоровулбозорнинг нефтчилар шаҳарчасида бир маскан бор — болалар боғчаси. Бу ерда 140 нафар жужуқлар тарбиячи опалари назоратида бўлиб, куй-қушиқлар, рақслар урганишди. Ҳар хил уйинлар уйнашди. Хуллас, болаланинг гап-сўзларини сурди. Тарбиячи Шарифахон Турғунова улар билан машғул утар экан, ўзи ҳам ўша олис боғчаларга қайтгандай бўлди. Балки, болалар боғча опаларининг хуши кўришларининг боиси ҳам шунда бўлса ажаб эмас.

СУРАТДА: тарбиячи Шарифахон Турғунова болалар даврасида; боғчанинг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ишонмасангиз, келиб кўринг...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири

Ҳайдарали Каримов — ошпаз. Деновда яшайди. Агросаноат комбинатида ишлайди. Чойни бир ширин дамлайдики, ичиб тўймайсиз. Чойни одамзот IV-асрдан бери истеъмол қила бошлагани, биз томонларга бу неъматнинг қачон келтирилгани, унинг таркибида қандай моддалар борлиги ҳақидаги гурунглари дамлаб берган чойидан ҳам мазали.

Олтимиш ёшга қириб Ҳайдарали ака имп्रा-чой ҳақида эшитди. «Импра» — нима дегани, лугавий маъноси қандай — кўпдан бери шунча сурштиради, тайинли жавоб тополмайди. Бир биолог таниши унга, «импра» — шифобахш, хушбўй, дегани, деб айтди. Ана шунда Ҳайдарали ака, ўсимликнинг барги ва новдаси қойнок сувга ташлаб дамланган сувоқликни биз чой деб отайдиган бўлсак, уни шифобахш деб таърифласак, имп्रा-чойларнинг зўрлари асли Сурхондарё тоғларида ўсади,

деб қолди. Бу гурунг менга кумқўрғонлик Чаман чўпоннинг гапларини эслатди. Чаман чўпон катта қолхознинг катта чўпони бўлиб ишларди. Ҳар йили ёзда

«Халқ сўзи» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

*** Агар иш (мансаб) ноаҳил (мутахассис бўлмаган) кишига топширилса қиёматни кутавер.**
*** Молу дунёдан ўзининг торт (кўнглинги уз), Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар кўлидаги нарсалардан кўнглинги уз, одамлар сени яхши кўради.**
*** Одамларга тўқназар бўлинлар, ҳатто мисвок (тиш қовлагич) парчасидек нарсани ҳам кишилардан умид қилманлар.**
*** Бошқарар бўлаверади деб фатво берсалар ҳам ўз қалбига қараб иш тут.**
*** Кечиримли бўлинлар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлашди.**
*** Одамларнинг яхшилигига раҳмат айтгувчи киши Аллоҳга ҳам ҳаммадан кўп шукр қилувчи ҳисобланади.**
*** Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганилар.**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ.

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Хўж — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1015,
17797 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерия терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **М. САФАРОВ.**
Навбатчи — **М. ХОЛМАТОВА.**
Мусахҳах — **А. САТТОРОВ.**

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирхонада ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилади —
1 2 3 4 5 6

Шахмат хангомалари

Икки марта таслим бўлди

1964-1965 йилларда аёллар ўртасида жаҳон чемпиони Нона Гаприндашвили Гастингс халқаро турнирида муваффақиятли ўйнаб, кўпгина эркак мастерлардан ўзиб кетди. Турнир голиби, машҳур гроссмейстер Пауль Керес бешинчи турда Нона билан учрашиб, имконият қолмаганидан унга дуранг таклиф қилди. Лекин одоб юзасидан Керес рақибига биринчи бўлиб қўл узатмай, жилмайибгина Нонани табриқлади. Намойиши бола бунга ўзича тушунди: гроссмейстер таслим бўлди, деб ўйлаб, ўзини намойиш қилинаётган катта шахмат тахтасига тегишли ёзувни илиб қўйди. Зал ҳаяжондан ларзага келди. Айтгандай, хато тузилгандан кейин ҳам шов-шув бошланди... Ушбу турнирда Гаприндашвили билан учрашганда мастер Хиндль ҳам «одамшавандлик» қилди: бир ўйинда икки марта таслим бўлди-я. Бу инглиз шахматчиси рақибини табриқлаб турганда, телекўрсатув ногоҳ бузилиб қолди. Бироқ, режиссёр қўлдан чиққан шу ҳолатни лентага тушуришни истади. Рақиблар яна тахта ёнига ўтиришди. Инглиз мастери Нонани гаплаб билан тақдор табриқлади.



Мамажон МУХИДДИНОВ.



XXI аср спорти

Белидан маҳкам тут, полвон!

Ўзбек кураши кун сайин ривож топиб, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётир. Дунёнинг кўплаб давлатларида кураш миллий федерациялари ташкил этилаётганини, ўзбек курашининг Осиё ўйинлари дастурига киритилиши мўлжалланаётгани кувончли ҳол, албатта.

Кураш бўйича ўтказилаётган мусобақаларни мухлисларнинг ортиқча кутушлари эса унинг қанчалик жозибадорлигидан далолат беради. Жумладан, эртага Наманган шаҳрида Бобораҳим Машраб хотирасига бағишлаб ўзбек курашининг ҳар икки усули бўйича халқаро турнир бошланади.

Унда Туркия, Ҳиндистон, Бангладеш, Грузия, Арманистон ҳамда Урта Осиё давлатларининг энг номдор полвонлари 66,81,90 килограмм ва мутлоқ вазнларда голиблик учун гиламга чиқади. Ҳар бир вазн голиби учун алоҳида мукофотлар белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, халқаро турнир Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Кураш миллий федерацияси ҳамкорлигида Соғлом авлод йили дастури доирасида ўтказилаётир.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

«ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» УЮШМАСИ
МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ
2001 ЙИЛ УЧУН ҚЎЙДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗИШГА РЕСПУБЛИКА УЛГЎРЖИ КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, НОНВОЙЛИК ХАМИРТУРУШЛАРИ,
ЧОЙ, АЛКОГОЛСIZ ИЧИМЛИКЛАР,
МАЪДАНЛИ СУВЛАР, ПИВО.
Кўрғазма 2000 йил 21 дан 23 ноябргача
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-унда ўтказилади.
Маълумот учун телефонлар: 41-22-82, 144-08-54.

«ЎЗБЕК ИПАГИ» ЧОШМАСИ
БАРЧА МАНОФААТДОР ТАШКИЛОТЛАРИНИ
«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ
2001 ЙИЛ УЧУН УЛГЎРЖИ САВДОСИ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
КЎРГАЗМАДАГИ САВДОГА УЮШМА КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖАМИ 9 МЛРД. СЎМЛИК МАҲСУЛОТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.
КЎРГАЗМА 2000 ЙИЛ 20 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» АЖ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.
Манзил: Тошкент ш., Веруний к., 41 (собиқ «Алпоммиш» спорт саройи)

ТАШКИЛОТ «ПРИМА» ПАХТАСИНИ Сотиб олади.
Тел.: 137-47-00, 137-48-00.

L'AMBASSADE DE FRANCE
recherche un traducteur ou une traductrice trilingue français, ouzbek et russe parlés et écrits. Expérience informatique souhaitée.
S'adresser à l'ambassade de France aux numéros: 133-53-82; 133-53-84.

Ўрмон ҳужалиги Бош бошқармасининг раҳбарияти Деҳқонобод ўрмон ҳужалигининг раҳбари **Ҳасан ЭШМУРОВО**нинг бевақт вафот этганини муносабат билан оила аъзоларига ҳамдарлик ва чуқур таъзия билдиради.
Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти ректорлиги клиника ва жамоат ташкилотлари ва институтинг одам анатомияси кафедраси жамоаси шу кафедранинг муdiri тиббиёт фанлари доктори, профессор **Файзулла Баҳодиров**га онаси **Масула ан БАҲОДИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия эҳдор этади.
Тошкент вилояти кўз микрохирургияси маркази жамоаси врач **Эркин Дуйсебаева**га отаси **Туле ДУЙСЕБАЕВ**нинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия билдиради.